O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMAN HOKIMINING
QARORI

708806 Zafarobod sh. Mustaqillik ko’chasi 1-uy. Tel (72)472-24-20 e-mail:zafarobod.t@exat.uz

2022 - yil 23 - iyun 162-3-50-Q/22 Zafarobod tuman hokimligi

Зафаробод тумани ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида“ги 172-сонли қарори ижроси, туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 23 апрелдаги 33/8-531-сонли ҳамда 2022 йил 13 майдаги 33/8-616-сонли ахборот хатларини инобатга олиб, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Зафаробод тумани Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 23 апрелдаги 33/8-531-сонли ҳамда 2022 йил 13 майдаги 33/8-616-сонли ахборот хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида автомобил йўлларига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари олдида **5.46 “Мактаб”** йўл белгилари ҳамда автотранспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш

мақсадида туман марказидаги Дўстлик кўчаси ҳудудида жойлашган АТ Агробанк Зафаробод филиали маъмурий биноси ва Зафаробод туман касб-хунар мактаби рўпарасига **3.27 “Тўхташ таъқиқланган”** йўл белгиси ўрнатилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Н.Умматов) ва туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (Ғ.Эрбеков), ҳудудлардаги фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда йўл белгиларини йўл ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос равишда ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

4. Мазкур қарор “Зафар йўлидан” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Эшпўлатов ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи О.Эшбеков зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Раджапов**